XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 20 - noyabr VI-59-149-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган ҳажмларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Ғаниев раҳбарлигида 2023 йил 11 сентябр куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган “Туман аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулот етказиб берилишини тизимли мониторинг қилиш ҳамда назоратни йўлга қўйиш ва нарх-наволарнинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик тўғрисида” берилган топшириқлар ҳамда туман ҳокимининг 2023 йил 25 сентябрдаги 250-3-45-Q-23-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича белгиланган ҳажмларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 150,0 (бир юз эллик) млн. сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг АТ Агробанк туман филиалидан ИНН:201089476, МФО:00128 20212000500387981001 ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**